



ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ҲАМ

Конституциявий судга мурожаат этиши мумкин



Конституциявий суд доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқиши белгиланди



Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда **9 нафар** судьядан иборат бўлади. **Илгари 7 нафар эди**



Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати биринчи марта сайланганида **5 йилни**, навбатдаги сайланганида **10 йилни** ташкил этади



Конституциявий суднинг ҳужжатлари **барча давлат органлари**, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун **мажбурийдир**



Конституциявий суд судьясига Олий ёки Биринчи малака даражалари берилади. Олий малака даражаси **Президент томонидан, Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилади.**

Илгари ҳар иккала даража ҳам Президент томонидан берилган



Конституциявий суд судьясига нисбатан **қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси** унга **ўта оғир жиноят** ёхуд **одамнинг ўлимига сабаб бўлган** бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Ушбу тартиб Конституциявий суднинг судья сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилади.

Илгари ушбу тартиб БЕЛГИЛАНМАГАН ЭДИ



Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлганда суднинг ёпиқ мажлиси ўтказилишига йўл қўйилиши белгиланди.

Илгари ёпиқ суд мажлисини ўтказиш асослари аниқ кўрсатилмаган эди